

Ислохот одимлари

ФЕРМЕРЛИК БИЛАНГА КОНИ ФОЙДА



Ер умид қиларкан:
«Менга эгалик бўлган одам,
ишқилиб, меҳнатдан
қочмайди, қадримга
етадиган, меҳрини
берадиган бўлсин-да!» деб.
Ер яна шундай деркан:
«Тасарруфимни қўлига
олган киши мени ўз ҳолимга
ташлаб қўймас, алдамаса
бўлгани. Акс ҳолда,
уволимга қолиб абгор
бўлади-я!»

Бу, албатта, шунчаки ривоят. Лекин унинг замирида ҳақиқат бор. Бутун мавжудотни кўксига кўтариб, ризқ улашиб, инсониятни кийинтириб келаётган табарруқ заминнинг ҳар бир қаричи кўзга тўтиё. Унинг қадрига етиб, ардоқлаб, парваришини ўрнига қўяётганларнинг асло кам бўлмаётганига гувоҳимиз!

Мустақилликка эришганимиздан кейин ерлар ҳақиқий эгаларига — деҳқонларга берилиши, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани айтиш мумкин бўлди. Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларнинг янада чуқурлашувида фермер ҳўжаликлари етакчи куч сифатида майдонга чиқибтани, эришилаётган натижаларда уларнинг улуши тобора ортиб бораётгани

қувонарли, албатта. Деҳқон учун ҳар бир йилнинг ўзи бир мактаб, десак хато бўлмайди. Нималар ҳисобига ютуқларга эришилди ёки аксинча, қачон хато, камчиликларга йўл қўйилди? Саволга жавобни яна у ўзидан кидиради. Қаерда деҳқонга, хусусан, фермерга эркинлик берилган, шароит яратилган, ҳисоб-китоб ишлари вақтида амалга оширилган бўлса, ўша ерда ўсиш, муваффақият бўлади.

Туманимизда 31 та фермер ҳўжалиги пахтачилик билан шуғулланади. 336,5 гектар экин майдони уларнинг тасарруфида. «Муқаддас» фермер ҳўжалигини бошқараётган Олияхон Режапова, «Янгибой» фермер ҳўжалигига раҳбарлик қилаётган Узоқбой Янгиев

сингари ўнлаб деҳқонларимиз ўз тақдирини ер билан боғлаганлар. Улар ўғил-қизларини, яқинларини ёнига олиб, йил давомида далада бўладилар. Аввало ерни оби-тобига келтиришади. Бу - чуқур ва сифатли шудгор қилинди, дегани. Қуз охири ва қиш даврида дала бошига маҳаллий ўғит жамғаришади. Бундан ташқари, улар сув йўллари қишдаёқ тартибга келтиришади, техника воситаларини созлашади. Кейин уруғликка эътибор қаратилади.

Айрим фермерларнинг иши юришмаётгани, шартнома мажбуриятларини кўпинча бажаролмаётганининг сабабини табиат инжиқликларидан эмас, балки заминга қай даражада муносабатда бўлинатганидан кидирилса яхши бўлади. Чунки бизнинг фермерларимиз ерни кўз қорачиқидек ардоқлагани туфайлигина муваффақиятларга эришмоқдалар. Масалан, улар ўтган йили вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини бажардилар. Давлатга 753,5 тонна пахта етказиб берилди. Муҳими, пахтаминнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Олияхон Режапова ва Узоқбой Янгиев каби фермер ҳўжаликларида ҳосилдорлик 44-45 центнердан ортиди.

Экин майдонларини кенгайтмасдан, мўл ҳосил етиштириш галларкорларимиз олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради. Фаллачиликка ихтисослашган 35 фермер ҳўжалиги бу борада йил сайин салмоқли нати-

жаларга эришмоқда. Хусусан, бўлтур улар 490,9 гектар майдондан 2167,9 тонна дон йиғиштириб олдилар. Ҳосилдорлик 44,1 центнерни ташкил қилди. Давлатга 1060 тонна ўрнига 1149,8 тонна дон сотилиб, ортиқчаси фермер ҳўжаликларининг ихтиёрида қолдирилди.

17 та фермер ҳўжалиги эса 79 гектар бог-роғдан ширин-шакар мева олиш билан бирга, уларни серҳосил, қасалликларга чидамли қўчатлар билан янгилашга эътибор қаратаётди. Негаки, бир гектар бог ўртача 4,5 тоннадан мева бераётгани бизни мутлақо қониқтирмайди. Инобатхон Кенжаева, Носиржон Ғойилов сингари фермерларимиз бозорларимизни пиёза, помидор, сабзи, қарам, картошка каби ўндан ортиқ сабзавот маҳсулотлари билан таъминламоқда. 31 та фермер ҳўжалиги чорвачилик билан шуғулланади. Улар ихтиёрида 1016 бош қорамол, 2175 бош қўй-эчки, 46 бош от бор. Фермерлар 77,5 тонна гўшт, 500 тонна сўт, 93 минг дона тўхум тайёрлади.

Тажриба ҳар қаричи олтинга тенг, тўпроғи зар ердан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш, иқтисодий билимларни пухта эгаллаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларни чуқур билиш ютуқлар гарови эканлигини кўрсатмоқда. Бугуннинг фермерига қўйилаётган талаб ҳам шу.

Аҳмадjon ТОЖИМАТОВ,
Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси Булоқбоши тумани вакиллиги раҳбари.

Хабарлар оқимидан

«Ибратли ҳаёт»

Юқори Чирчиқ тумани хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда «Ибратли ҳаёт» тадбирини ташкил этди. Кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган ушбу тадбир Сихат-саломатлик йилига бағишланди.

М. ХОЛМАТОВА.

БАҲОР СУРХОНДАН БОШЛанаДИ

ТЕРМИЗ (ЎЗА МУХБИРИ Ч. ТУХТАЕВ). Баҳор эпкинлари эса бошлаши билан сурхондарёликлар кўкаламзорлаштириш ишларига киришиб кетди.

Республика «Нуроний» жамғармасининг вилоят кенгаши аъзолари Амударё бўйидаги ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳи атрофида бог барпо этиш ташаббуси билан чиқдилар. Вилоят жамоатчилиги, қорхона ва ташкилотлар жамоалари, айниқса, ёшлар бу эзгу ниятни қўллаб-қувватлаб, кекса ота-онларга қамарбаста бўлмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимизни янада кўркемлаштириш, кўчат экиб, боглар яратишдек хайрли юмушга ҳисса қўиш учун бел боғлаган ҳамюртларимизнинг шiori битта: «Хар бир ниҳолнинг эгаси бўлсин: Экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб!».

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

«Пахтакор тола базаси» МЧЖни қайта таъмирлаш.

Буюртмачи — «Пахтакор тола базаси» МЧЖ.
Манзили: Пахтакор тумани, Пахтакор шаҳри

Қурилиш ишлари «Пахтакор тола базаси» МЧЖ маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микродоғдаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, ётарли касбий ва техникавий малакага; молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўлаим танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (элик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридати манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси тақдим этилишининг охириги мuddати оферталар очилиш куни ва вақтигича. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин кўчарида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«ХАЛҚ БАНКИ»

мижозларга замонавий банк
хизмати турларини жорий этган ҳолда
«Ишонч» ва «Барака» сўм пластик карточкаларидан
фойдаланишни таклиф этади.

Маъқур пластик карточкалар орқали — савдо муассасалари, ёнилғи қуйиш шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматларга нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш ҳамда исталган вақтда нақд пул олишингиз мумкин.

Пластик карточка соҳиби ўз маблағлари дахлсизлигини таъминлаш билан бир қаторда белгиланган фоиз даромадларини олиш имкониятига эгадир.

«Ишонч» ва «Барака» пластик карточкаларига «Халқ банки»нинг барча туман (шаҳар) филиалларида эга бўлишингиз мумкин.

«Халқ банки»нинг пластик карточкалари — бу сизнинг қафолабланган ҳаётингиздир!

COSCOM

ОЛИЙ СИФАТ ВА ХОТИРЖАМЛИК

Янги йилда иккита «Сотка»!

СОТКА

Янги ТАРИФ РЕЖАСИ

8 доллар
эвазига
100 дақиқа
мулоқот!

Тармоқ ичидаги барча кириш кўнғироқлари БЕПУЛ ва белгиланган вақтни сарфламайди

Лимитдан ошган кўнғироқлар:
- тармоқ ичидаги чиқиш кўнғироқлари — \$ 0.05
Ўзбекистон бўйича бошқа кўнғироқлар — \$ 0.08

ва сертификатланган, ишлаб чиқарувчи томонидан қафолатланган NOKIA мобил телефони

Нархлар ҚҚСсиз кўрсатилган.

WWW.COSCOM.UZ

Real-NEXT

Янги тариф режаси

Тармоқ ичида:

кириш кўнғироқлари - БЕПУЛ!
чиқиш кўнғироқлари - \$ 0.06!

Ўзбекистон бўйича кўнғироқлар - \$ 0.12!

Нархлар ҚҚС билан кўрсатилган.

Хизматлар лицензияланган

Тўлов МБ курси бўйича сўмда амалга оширилади.



Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдида

Нафис чайқалади наъматак

Нафис чайқалади бир туп наъматак Юксакда, шамолнинг беланчагида. Кўёшга кўтариб бир сават оқ гул, Виқор-ла ўшайган қоя лабида Нафис чайқалади бир туп наъматак...

Бу тасвир қошида ҳар қандай оқилу доно лол қотида. Бу табиатнинг чўқур ҳис этилган бир булаги. Уқир экансиз, ушбу манзарани ҳаракатда, жонли бир ҳолатда тасаввур этасиз. Унинг жонбахш шивири, нафис хушбўйини нозик бир энтиқиш билан силқораётган бўласиз. Катрада уммон акс этади деганларидек, ушбу шеъринг парчада ҳам Ойбек домланинг буткул маънавий олами барқ уриб кўринади...

Ойбек шеърятини диёримизнинг тенгсиз кўшли манзаралари жилваланиб туради. Қоя учдаги, шамолда нафис тебранаётган наъматак Чимён тоғининг нуқра чўққилари, ойнадай жимиллаган булоқлар, ёни олтин селдай тошиб турган гўзал Фарғона, ажойиб феъл-атворли одамлар гуруҳи сизни тамомла жалб этади, ҳаҳжонга солади.

Ха, Ойбек шеърятини ниҳоятда ўзига хос. Ҳар гал ўқиганда, янги-ча қирралар билан товланади. Назаримда, табиатни, ҳеч ким, ҳеч бир шоир у кишичалик жонлангирли тасвирлай олмайди.

«Буралиб, кўкатлар ичидан чопар Узилган марварид ярқирашлари», (Ирмоқ)

«Олтин сенкили қоп-қора кеча», (Юлдузли осмон)

«Кўзларида чақна қора, кучли нур»,

«Қулоқлардан тошар сочи»,

«Дарахларнинг булути қалин»,

«Янроқ нам ериш ўди»,

«Қирларда лозалар гўёки машғал».

Кўшли ўзбекистонимиз тасвирига бағишланган «Бир ўлкаки...» шеърининг мана бу банди, масалан, одамни гўзал бир дунёга олиб киради:

«Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди, Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор».

Бир ўлкаки, сал кўрмаса кўёш соғинар

Бир ўлкаки, гайратидан асаби чақнар,

Бахт тошини чақиб, бунда куч гуллайди».

Ойбек домланинг насрий асарлари алоҳида бир тафаккур ва гузаллик олами. «Қутлуг кон» романидаги катта ҳаёт зиддиятлари, йигирманчи аср бошларидаги эски Тошкент ижтимоий муҳити бағоят реал тасвирлангани одамни мафтун этади. Тошкентдан олисдаги қишлоқ мактабидек ушбу асарни ўқиб, мен азим шаҳарни анча-мунча аниқ тасаввур этганман десам, муболага эмас. Сўнг... «Навой» романи орқали буюк мутафаккир шоиримизни Хироту Самарқанд, Машҳаду Астрободни, ўша давр одамларини, урфу одатлари, биною мадрасаларни — халқимиз тарихини аниқроқ ҳис этдим. Устоднинг бошқа асарлари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Бу роман, қисса ва достонларнинг фақат Ойбеккагина хос бўлган дилбар тили, чевар тасвирлари, бадий гузалликлари ўқувчи дилини антиқа туйғуларга тўлдирди. Ойбек ўзбек халқи бағридан отилиб чиққан ҳақиқий санъаткор эканлигига иймон келтиради. Устод Ойбек билан бўлган учрашувларимиз асло унутмайман. Талабалик йилларимизда ёш ижодкор бўлиб, таҳсил олиб юрарканмиз, Ойбек — биз учун олам ичра алоҳида бир олам, Фафур Фулом — сирлар тўла бир дунё бўлиб, қалбларимизни забт этган эдилар. Уларни катта мажлисларда, турли-туман анжуманларда кўриб, сеҳрланиб юрардим. Ойбек домла Покистон сафаридан қайтиб, ўз таассуротларини биз талабаларга гапириб бераркан, ҳар бир сўзини жон қулогимиз билан тинглардим...

Кейинчалик... газета топшириғи билан уйларига борганман. Ният — махсус бир саҳифа уюштириш эди. Ушандаги ҳаължонларимни тасвирлаб беролмайман. Домла диванда ёношлаб ўтирар, оқ оралаган қалин жингалак сочлари дўпидан тошиб чиққан, қўллари

да арабий имлодаги қандайдир бир китоб бор эди. Алломанинг йирик жозибали қора кўзлари, пахлавон сиймоси, болаларча беғуборлиги кўркан эди. Чўқур ҳаяжон ичидан у киши билан саломлашдим.

«...Келинг, келинг...» деган сэмимий сўзлардан сўнг, чайналаган муддаога ўтдим...

Мен жуда бахтиёр эдим. Мени болаликдан ўзига мафтун маҳлиё этган, «Навой» ва «Қутлуг кон»дек романларни яратган забардаст Ойбек билан рўпарасида суҳбатлашиб ўтирибман. Ўзбек тилининг мислсиз сөҳғари, бадий тафаккур пахлаволи бўлиши устоз мендек оддий бир каламак билан суҳбатлашмоқда! Замон долғаларига мардона кўкрак берган, яралган шердек ўзига сиймай, тошиб-тошиб келаётган, кўп гапларни айтишга тайёру лекин неча йиллик маънавий изтироблардан сўнг дудқлиниб қолган устоз билан юзма-юз ўтирибман. Меҳри кўзларининг тафтини сезиб, ўзимни осмон фалакда ҳис этардим. У киши айтмоқчи бўлган сўзларни жон қулогимиз тикиб эшитардим...

Дунёда жасоратли ишлар, жасур инсонлар кўп. Улар ақлга сиймай диган ишларни бажарадилар. Фақат самовотда, ер қатламлари ичидан сирларни очигиша ўзларини бағишлайдилар. Бундай баҳодир, шерюрак инсонлар олдига ҳамиша таъзим этишимиз. Лекин, назаримда, ҳақиқий ёзувчи, санъаткор меҳнати буларнинг барчасидан-да буюроқроқдир. У олам ичра олам яратди. Инсоннинг қалб дунёсига қириб бориб, ундаги жаҳоирларни юзага олиб чиқади. Навоий, Шекспир, Толстойлар меҳнатини бир тасаввур этиб кўринг. Ойбек домла ҳам ушундай улғулар сирасида тан олинган.

Ха, Президентимиз раҳнамолигида 2005 йилда Ойбек домла таваллудининг 100 йиллиги байрам қилиниши — мустакиллигимиз яратган буюк имкониятларнинг порлоқ бир кўринишидир.

Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири.

Тўғриси, анчадан буён «Пахтакор» стадиони мухлислар билан тўлиб-тошмаганди, Ўзбекистон терма жамоасининг ўйинига бунчалик катта қизиқиш билдирилмаганди. Ишдаги ва ўқишдаги ташвишларимизни буткул унутиб диққатимизни ушбу ўйинга қаратгандик. Лекин... Мана, орадан бир кун ўтди. Хўш, мухлислар, мутахассислар учрашув ҳақида қандай фикрда?



Ўзбекистон-Саудия Арабистони:

НЕГА ҒАЛАБА ҚОЗОНОЛМАДИК?

Ахбор ИМОМХУЖАЕВ, — республика тоифасидаги ҳакам, спорт журналистлари кенгаши раиси.

— Кегаги ўйинда терма жамоамиз Миржалол Қосимовсиз қанақа аҳволга тушиб қолишига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Жамоа сардори бироз бетоблиги сабабли учрашувда катнаша олмади. Ахир, қачонгача фақат унга суянмиш. Миржалол ҳам вақти келиб футболдаги фаолиятини якунлайди-ку. Иккинчи муаммо биз билан бир гуруҳда катнашадиган Саудия Арабистони, Жанубий Корея ва Кувейт терма жамоаларининг ҳар бири саралаш учрашувида қадар, қаммида тўрт-бешта терма жамоалар билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Ҳамюртларимиз эса машғулотлар давомида «Ростов» (Россия), «Динамо» (Киев, Украина), «Локомотив» (Ўзбекистон) клублари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказишди, ҳолос. Ўйин тактикасига эътибор қиладиган бўлсак, майдонга бешта химоячи туширилиши ҳам тўғри бўлмади, деб ҳисоблайман. Бу ўз майдонда рақибдан очикчасига чўчишдан далолат эмасми? Вакилларимиз бутун ўйин давомида Саудия Арабистони терма жамоаси дарвозаси олдида бор йўғи тўрт марта хавф

ли вазият содир эта олдилар, ҳолос (Шацких иккита, Аюпанц битта ва сўнгиси Солиевнинг голи билан якунланди).

АБОР ШЕРОЗОВ, ишқибоз, (Тошкент): — Йигитларимиз кўрсатган ўйин кўпчиликл футбол мухлислари қатори менинг ҳам ҳафсаламни пир қилди. Мусобақа бошланишига бир-икки кун қолганда, гўёки гастролга бораётгандек, зўрға етиб келадиган Шацких, Пашинин, Мамиянов, Шишелов ёки «қария» Фёдоровлар бу ўйини билан миллий терма жамоамизга ёрдам беролмасликларига гувоҳ бўлдик. Ҳеч бўлмаса, майдонга тўпланган эллик мингга яқин ишқибозни хурмат қилиш керак-да. Хайрият, ҳалиям Асрор, Сөрвер, Бахтиёр ва Анваржондек жон куйдирадиган, гурурли йигитларимиз бор экан. Наҳотки, Биродар Абдураимов, Рустам Акрамов каби футбол профессорлари етишиб чиққан юртдан 15 тагина жонини жабборга берадиган футболчилар топилмаса? Булар ҳақида мутасадди оғайнилар дўпчини бошдан олиб ўйнаб кўрсалар бўларди? Чунки спортда миллий гурур ҳамма нарсадан устун бўлиши керак.

Баҳодир ИБРОХИМОВ, футбол фанрийси: — Биринчи навбатда

Савоб ишни ҳар кун қилиш керак

НАВОЙЙ (Уза мухбири Еркул УМАР). Қармана туманидаги «Қармана-Ором» қорхонаси Навоий вилояти ногиронлар жамиятига ўтган йили икки миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди. — Инсон саломатлиги ҳамма нарсадан муҳим. Қўмак маблағимизнинг асосий қисми ногиронларни даволашга ва эҳтиёжмандларнинг қорига яраганидан хурсандимиз, — дейди қорхона раҳбари Бағир Фармонов. — Бу йил жамиятга ўтган йилгидан икки ҳисса кўп ҳомийлик ёрдами кўрсатишни ният қилганимиз. Қорхонада нон ва нон маҳсулотлари, минерал сув ишлаб чиқарилади. Бу ёрда бунёд этилаётган тиббий диагностика маркази Наврўз байрами арафасида ишга тушади. Марказ қорхонага ўз ҳомийлик фаолиятини янада кенгайтириш имконини беради.

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситувчи қозонлар ишлаб чиқаради ва сотади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., Кангли к., 16-«А» уй.

Телефонлар: 8 (371-71) 54-701, 54-062, 8 (371) 100-99-05.

e-mail: harakat_2004@mail.ru

ДАВЛАТ ТЕСТ-МАРКАЗИГА
дипломларини нострификациялаш учун топширган фуқаролар диққатига!

Давлат тест марказида эксперт комиссияларининг йиғилиши ва имтиҳонлар 2005 йил март-апрель ойларининг куйидаги кунларида ўтказилади:

Т/р	Таълим йўналишлари	Ўтказиладиган вақти
1.	Педагогика	25 март, соат 9.00
2.	Тиббиёт	1 апрель, соат 9.00
3.	Муҳандислик	8 апрель, соат 9.00
4.	Иқтисодиёт	15 апрель, соат 9.00
5.	Ҳуқуқшунослик	22 апрель, соат 9.00

Катнашчиларни рўйхатга олиш Давлат тест марказида (Тошкент ш., Ж.Обидова кўчаси, 12-уй) соат 8.30дан 9.00гача.

Маълумот учун телефон: 134-46-83.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.

Телефон 134-48-11.

Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.

«MIRAGEMBEL» ётиқ акциядорлик жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Туркия қўшма қорхонаси акциядорларининг 2005 йил 9 февралдаги умумий йиғилиши қарорига асосан қўшма қорхонанинг ҳуқуқий шакли ўзгариб «MIRAGEMBEL» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Туркия қўшма қорхонаси қайта ташкил этилди.

OxLotto		O'ZLOTTO KUNDALIK						
кетма-кет туғри топилган сонлар миқдори	тушган рақамлар	31.01.05	01.02.05	02.02.05	03.02.05	04.02.05	05.02.05	
Ютуқ (сўм)	Ютуқ (сўм)	6737	7911	7866	1182	0228	0318	
Ютуқли ставкалар сони								
4	200 000	2	0	0	1	0	2	
3	2 000	56	61	44	88	72	95	
2	200	1007	730	696	788	925	1 127	
1*	100	3 049	2 475	2 202	2 564	2 648	3 032	

* Биринчи ёки тўртинчи устунлардаги туғри топилган сонлар

18-тиражининг ҲИСОБОТИ		19-тиражининг ҲИСОБОТИ	
Тушган шарлар номери кетма-кетлиги:	14 12 25 22 4 20	Тушган шарлар номери кетма-кетлиги:	22 17 10 16 29 3
Уйналган ютуқлар:	Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 2 февраль	Уйналган ютуқлар:	Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 5 февраль
Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди (сўм)	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи (сўм)
6та туғри топилган сон учун	15 532 378	0	0
5та туғри топилган сон учун	286 457	11	26 041
4та туғри топилган сон учун	429 686	285	1 507
3та туғри топилган сон учун	716 144	2 782	257

Потерянинг кейинги тиражи 2005 йил 9 февраль кунини ўтказилади

Потерянинг кейинги тиражи 2005 йил 12 февраль кунини ўтказилади

Лицензия №000001

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Соғлиқни сақлаш хизмати раҳбарияти Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, фахрий темирйўлчи Саид Мағрунович АГЗАМХОДЖАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чўқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг 2-Марказий клиник касалхонаси бўлим мудири Саид-азиз АГЗАМХОДЖАЕВга отаси Саид Мағрунович АГЗАМХОДЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази жамоаси умумий ишлар бўйича директор муовини Н. Примова онаси Ойкузи ОМОНОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва биланган қасаба уюшмаси «Фалсафа» кафедраси катта ўқитувчиси Ҳусниддин Аҳмедовга падари бузурвори Аликкул АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Фармацевтика институти жамоаси биланган қасаба уюшмаси раиси, доцент А. М. Комиллова акиси Ахат КОМИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардик изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан руйхатга олинган. Буюртма Г — 162. 32737 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55; Котибиат 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан ибид материаллар қабул қилинмайди. 1-Тижорат материал

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов. Навбатчи — З. Жонбеков. Мусахҳих — М. Ёкубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Уза якуни — 21.00 Топширилди 2 3 4 5 6